



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 22 июнь, шанба

• №49 (11.437)

• Эркин нарҳда сотилади

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 июнь кун Оқсаройда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Эрик Де Врайерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этиш учун қулай имконият туғилганини таъкидлади.

Ўтган йил охирида Ўзбекистон билан Халқаро валюта

жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат доирасида жорий йилнинг 1 июлига қадар амалга оширилиши керак бўлган тadbирларни ўз ичига олувчи мониторинг дастури ишлаб чиқилди. Таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон мазкур дастурдаги барча пунктларни адо этди.

Меҳмон мамлакатимизда мониторинг дастури ижроси яқунлари билан танишиб чиқганини, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон амалга оширган ишлардан мамнунлигини таъкидлади ва самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, жамғарманинг мамлакатимизга хорижий сармоя жалб этишдаги иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎЗА).

Вилоят ҳокимлигида

ТЕЖАМКОРЛИК ВА СИФАТ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Вилоят ҳокимлигида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 сентябрдаги «Дон ресурслари ва унинг бозор фондидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросининг вилоят шаҳар ва туманларида бажарилиши масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, «Тошкентдонмахсулот» очиқ акциядорлик жамияти, «Вилоятсавдо», «Вилоятматлуботсавдо» акциядорлик компаниялари, савдо, умумий овқатланиш ташкилотлари ва нон ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Асадов бошқарди.

Йиғилишда дон ресурслари ва унинг бозор фондидан оқилона фойдаланиш, нон ва нон маҳсулотларини аҳоли эҳтиёжига яраша сифатли қилиб ишлаб чиқариш корхоналар, савдо, умумий овқатланиш ташкилотлари зиммасидаги муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Афсуски, бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. Уларни бартараф этиш юзасидан бир қатор тadbирлар ишлаб чиқилди. Му-

ҳокама этилган масалалар юзасидан сўзга чиққан вилоят ҳокимлигининг индустриал ривожланиш ва истеъмол бозори масалалари котибияти мутахассиси Маҳмуда Икромова, «Тошкентдонмахсулот» очиқ акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари Миржамол Мирхўжаев, вилоят иқтисодиёт ва статистика бош қармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Шохиста Файзуллаева, «Вилоятматлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Қудратилла Маҳаммаджонов, «Вилоятсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Файрат Турсунов, вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича котибият бош мутахассиси Олег Тожиев ва бошқалар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ҒАЛЛА, ПАХТА ҚАТОРИДА ОЗУҚА ҲАМ КЕРАК

ВИЛОЯТДА ғалла ўрими оммавий тус олди. Ғўза парвариши ҳам қизгин давом эттирилмоқда. Бу мавсум талаби. Аммо, қишлоқ хўжалигининг яна бир муҳим тармоғи борки, у мавсумларни тан олмай, йил ўн икки ой бирдек, эътибор, ҳаракат, меҳнат талаб этади. Аҳолини асосий озиқ-овқат турлари – гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш манбаи бўлган чорвачилик ана шундай соҳа бўлиб, меҳнат жараёни ҳатто, бирор соат, бирор кун тинмай давом этиши керак.



Хўш, чорвачиликнинг ҳозирги асосий вазифалари нималардан иборат? Бугунги кун талабидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозир чорва қишлови учун айни дағал хашак ва ширали озуқа жамғарадиган пайт. Шу билан бирга эҳтиёжга қараб озуқа экинларини экиш, мўл ҳосил олиш учун уларни маромида парвариш қилиш ҳам энг долзарб вазифа. Бу борада талабга мувофиқ режалар тузилиб, ҳар бир туман ва хўжаликка етказилган.

Лекин, афсуски, ана шу режаларнинг июнь ойи ўрталаригача бўлган даврда қандай бажарилганлигига назар ташласак, аҳвол ташвишли эканлигини кўрамиз.

Тўғри, ўтган йилдагига нисбатан 3152 тонна кўп сенаж бостирилди. Табиий пичан тайёрлашда яқин кунларда ўтган йилги даражага етиб олинади. Бирок, дағал хашак ўтган йилга нисбатан 16205 тонна, шу жумладан, беда пичани 9067 тонна кам тайёрланганлиги катта йўқотишдир. Бундай ачинарли аҳвол айрим туманларнинг айби билан юз берди. Жумладан, Қуйичирчик, Бўстонлик, Оққўрғон туманларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15,4-28,3 фоиз миқдорда дағал хашак тайёрланди, холос. Шунингдек, Тошкент, Зангиота, Бекобод туманла-

(Давоми 3-бетда).

БОЛАЛАР ЯХШИ ДАМ ОЛСИНЛАР

Вилоят ҳокимлигида болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, жамғарма ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оромгоҳлар раҳбарлари, ички ишлар идоралари ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуқарим Раҳимбердиев бошқарди.

Дастлаб оромгоҳларнинг имкониятлари, болалар ҳордиқ чиқаришлари учун ҳозирланган шарт-шароитлар, муаммо ва камчиликлар кўриб чиқилди. Айрим оромгоҳлардаги шароитлар қониқарсиз аҳволда эканлиги танқид остига олинди. Жумладан, «Хумо» ҳамда «Кимёгарлар» оромгоҳларида таъмирлаш ишлари тўла ниҳояланмаганлиги, хавфсизлик

чора-тадбирлари кўрилмаганлиги, мутасадди корхона ва ташкилотлар бу масалага бепарволик билан қараётганлиги таъкидланди. Оромгоҳларга автотранспорт хизмати билан боғлиқ муаммолар, шунингдек алоқа воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа керакли ашёлар билан таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш лозимлиги айтилди. Шунингдек, дам олдиришни ташкил этиш жараёнида турли кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш, хавфсизлик чораларини кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Бугунги сонда:

ЗАМОНА МУЛҚДОРИ

Ёқубжон 1997 йилдан фермерликни ихтиёр этган бўлса-да, аслида унинг суюғи далада қотган. 1975 йилдан буён Охангарон туманидаги «Ғаллақудук» хўжалигида меҳнат қилиб келган.

2-бет

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Ғаллани ўғирлаш ва ташмачиликнинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган зарур чора-тадбирлар ўз самарасини бераяпти. Ҳозирги кунгача вилоят бўйича жами 7та қонунбузарлик ҳолати юз берганлиги аниқланди.

3-бет

ТЕСТ - ХОЛИСЛИК МЕЗОНИ

Ҳужжат қабул қилиш муддати тугагач «АБТ-Абитури» махсус дастури асосида абитуриентлар танлаган ихтисослиги бўйича тест синовларида катнашиш учун гуруҳларга ажратилади.

6-бет

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Исроил раҳбарияти 20 одам жумладан, бир неча ёш боланинг умрига зомин бўлган уч кун аввалги портлаш учун аллақачон жавоб ҳаракатларини бошлаб юборган эди.

7-бет

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Бугунги кунда «Наврўз» фольклор-этнографик дастаси санамлари бир меҳрибон хомийга, химматли, қўли очик раҳбарга мухтож.

8-бет

Маиший хизмат

ШИРКАТЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ангрен шаҳрида аҳолига уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш аҳолини тубдан яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун аввало уй-жой эгалари ширкатлари фаолияти учун зарур шароит ва қулайлик яратиб берилляти.

Шаҳарда ҳозир мингдан ортиқ кўп қаватли уй бор. Улар 36 та ширкатга бириктирилган. Айни кунларда ўзларига билдирилган ишончни оқлаш учун ширкатлар хизмат кўрсатишнинг янги ва самарали усулларидан фойдаланмоқда. Натижада одамлар ҳам уларга хайрихоҳлик билдиришти ва коммунал тўловлар бўйича аҳоли қарзи камайиб бормоқда.

Бироқ, ширкатчиларнинг айтишича, жиддий муаммолар ҳам бор. Мингдан ортиқ кўп қаватли уйнинг аксарияти (883 таси) таъмирга му-


тож. Бу эса аҳолини иссиқлик ва ичимлик сув билан таъминлашда катта қийинчиликлар туғдирмоқда.

— Ўтган йили 9та кўп қаватли уйни маҳаллий бюджет ҳисобидан мукаммал, 98 та уйни эса ҳомийлар ёрдамида жорий таъмирдан чиқарган эдик. Бу йил 33 та уйни мукаммал таъмирлашни мўлжаллаб турибмиз. Имкон қадар барча уйларни ширкатларга таъмирлаб топширамиз, — дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Акбархон Камолзонов.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларига шаҳардаги корхоналар ҳам оталиқ ташкилоти

сифатида ёрдам кўрсатмоқда. «Ангренмаш» корхонаси эса уй-жойларни қишга тайёрлаш бўйича бош пудратчи сифатида майдонга чиқди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.



Тахририятга
хат

ФАХРИЙЛАР ТИЛАГИ

Дунёда инсон саломатлигидан ортиқ бахт ва давлат йўқ. Ишот талаб этмайдиган бу сўзларнинг маънисига одам ёши ўтган сайин чуқурроқ тушунаверар экан.

Маҳаллаамиз аҳлига қарайдиган бир ажойиб шифокор бор. Касбига фидойи Гулчеҳра Жабборовани кексаю ёш бирдек хурматлайди. Негаки, бирон одам сал оғриси, дарҳол унинг хузурига шошади ёки йўқлатади. Куюнчак, барчага бирдек меҳрибон бу инсон эса дарҳол беморни даволаш чорасини излайди. Бор билимини, тажрибасини, вақтини аямайди.

Илоҳим, кўпнинг дуоси ижобат бўлиб азиз шифокоримизнинг умри узоқ бўлсин, кўли дард кўрмасин, ҳамма орзуниятларига етиб юрсин.

Хурматли тахририят! Илтимос, ушбу дил ихори-

мизни газетада ёритсангиз. Г. Жабборова ташаккуримиз ва тилагимизни «Тошкент ҳақиқати»да ўқиса, биз ўзимизни гоёта шод ҳис этар эдик.

Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи меҳнат фахрийлари номидан:

Зоя РАФИҚОВА,
Бурҳон САЙДАЛИМОВ ва
бошқалар.



Аҳоли саломатлиги йўлида

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, Осие тараққиёт банки ҳамкорлигида темир моддаси танқислиги натижасида келиб чиқадиган камқонлик ва йод етишмовчилиги оқибати бўлиши бўқоқ касалликларининг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Озарбайжондан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда темир моддасининг етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган камқонлик касаллиги, айниқса, болалар, ўсмирлар, туғруқ ёшидаги ва эмицикли аёлларда кўпроқ учрайди. Бу касалликнинг олдини олиш, даволаш учун, аввало, ун ва қандолат маҳсулотларини темир моддаси ва витаминлар билан бойитиш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш зарур.

Шунингдек, бўқоқ касаллигининг олдини олиш ҳам жиддий эътиборни талаб этади. Бу борада мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ош тузи ишлаб чиқариш ва уни йод билан бойитиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Зотан, мустақилликка эришгунга қадар юрти- мизда бундай корхоналар йўқ эди.

Семинарда ҳар икки касалликнинг олдини олиш борасида мавжуд тажрибалар юзасидан фикр алмашилди.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

«ТИНЧЛИК КОРПУСИ»НИНГ ҲАМКОРИ

Янгийўл шаҳрида бундан бир неча йил аввал ташкил этилган Академик лицей табаррук илм даргоҳларидан бирига айланиб қолди.

Бу лицейда аниқ, табиий, ижтимоий фанлар, хорижий филология — сайёҳатлар бюроси ходими, котиба, иш юритувчи, ЭХМ оператори ва таржимонлик касбларига

ўргатилади. Таълим муассасаси «Тинчлик корпуси» билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Фанлар Сорос педагогик технологияси асосида чуқурлаштириб олиб борилмоқда. Бу ерда компьютер синфлари, мультимедиа, лингафон хоналари, ўқув телемаркази, «Интернет» тармоқлари мавжуд.

Зухра РАҲИМОВА.

Замона мулкдори

ЁҚУБЖОН ФЕРМЕР

Ёқубжон 1997 йилдан фермерликни ихтиёр этган бўлса-да, аслида унинг суяги далада қотган. 1975 йилдан буён Оҳангарон туманидаги «Ғаллақудуқ» хўжалигида меҳнат қилиб келган.

1986 йилдан бошлаб эса, бригадани бошқариб, ташкилотчилик ишларини ҳам озми-кўпми ўрганди. Мустақиллик йўли очиб бергач, фермер бўлди.

Тўғри, Ёқубжон Ваққосов бошқараётган «Саидаббос ота» оилавий фермер хўжалиги ҳали росмана замонавий мулкдорлар даражасига кўтарилганича йўқ. Лекин, шуниси қувончлики, у йилдан-йилга юксалиб, фаолиятини кенгайтириб, иқтисодиётини мустаҳкамлаб бораёпти. Тасарруфидаги 20 гектар ерда Ёқубжоннинг ўзи, турмуш ўртоғи Молвуда, қизлари Гулчеҳра, Гулнора, Манзура, Умида, қариндошлари Сотима Қурбонбоева, Комилжон Нишоннов, яъни саккиз киши ишлайди.

Бу йил 12 гектар майдонга «Қалдирғоч» навли бугдой экишганди. Ҳосил чакки эмас. Эллик центнерни мўлжаллаб туришибди. Қолган майдонларга сабзавот, картошка ва полиз экинлари экилган. Авжи яхши. Даромаддан ҳам кўнгиллари тўқ.

Дарвоқе, асл фермер даромадни кўзлаб иш тутайди. Чунки, сармоя бўлса, хўжалик кенгайди, ривожланади. Демак,



бир сўм икки сўмга айланади. Шуларни ўйлаб, Ёқубжон келажакда чорвачиликни ҳам аста-секин йўлга қўйиш ниятида. Ҳозирча ўзининг 25 та қўйи, 4 та сиғири, беш-олтита бузоқ ва иккита оти бор. Лекин, бу ҳали ферма дегани эмас. Ферма даражасига етганда эса, росмана даромад манбаига айланади. Дарвоқе, келажакда у лалми ҳисобига тасарруфидаги ерларни ҳам кенгайтироқчи.

Йигирма гектар майдондан келаятган даромад, хайр-эхсон тadbирларига ҳам етиб турип-

ти. Жумладан, Ёқубжон яқинда 1-ўрта мактабни таъмирлаш ишларига 50 минг сўм ўтказиб берди. Бундан ташқари, янги ўқув йили бошлангунча, кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзандига тўлиқ ўқув қуроллари ва кийим-бош олиб бериш ния-

тида. Шунингдек, яқин келажакда 25-30 ўринли оталар чойхонаси қуриш, сартарошхона, қосиблик ва бошқа савдо дўконлари очишни мўлжаллаб қўйган. Киройи юртимизда мана шундай мулкдорларнинг сафи кенгайверсин.

Даврон АХМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

СУРАТДА: «Саидаббос ота» фермер хўжалиги раҳбари Ёқубжон Ваққосов ўз ғаллазорида.
Муаллиф олган сурат.

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН ЯРМАРКА

Ўзбекистонда тadbиркорликнинг қўллаб-қувватланиши кичик ва ўрта бизнес ривожини учун қулай шароит яратмоқда. Мулкдорлар синфини шакллантиришга ёрдам бераётган ушбу тармоқ ривожини иқтисодиётни ислоҳ қилишга доир давлат сиёсатининг устувор жабҳасидир.

Пойтахтимизда 1 июлдан 15 июлгача кичик ва ўрта бизнес тadbиркорлари учун қурилиш материаллари ва халқ истеъмолчи моллари халқаро ярмаркаси бўлиб ўтади. Ярмаркани Ўзбекистон республика товар-хом ашё

биржасининг «Биржасервис-марказ» очиқ акциядорлик жамияти ташкил этмоқда. Ярмаркада Россия, Беларуссия, Украина ва бошқа мамлакатлар ишбилармонлари ҳам иштирок этади.

ЎЗА.

АМЕРИКАЛИК ИМОМ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентга Америка Қўшма Штатлари Жоржтаун Университетининг имоми Яхё Хенди келди. Унинг ушбу ташрифдан кўзлаган мақсади АҚШ элчихонаси томонидан молиялаштириляётган қатор дастурларни амалга оширишдан иборат.

Имом Хенди Тошкент Ислам университетининг тақдимот маросимини ўтказди. Шунингдек, у Америка академик дастурлари битирувчилари билан ҳам учрашди. Сўнгра Яхё Хенди Фарғона, Андижон ва Қўқонда бўлиб нодавлат-нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ва диний раҳнамолар билан учрашди.

Имом Яхё Хенди Вашингтондаги Жоржтаун университетининг мусулмон диний хизматчисидир. Жоржтаун университети Америкадаги мана шундай лавозим ташкил этилган биринчи университетдир. Яхё Хенди Мэрилэнд штатининг Фредерик шаҳридаги Ислам жамиятининг имоми, шунингдек, Бэфеэддаги Миллий ҳарбий-денгиз тиббий марказида диний хизматчи ҳамдир.

Имом Хенди Тошкентга иккинчи бор ташриф буюриши. У илк бор 2001 йилда Тошкентда Ўзбекистон Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан уюштирилган «Ислам ва замонавий жамият» мавзуида ўтказилган анжуманда иштирок этганди.

«Туркистон-пресс».

рида ҳам 40-50 фоиздан ошмади.

Мавсум бошидан буён дағал хашак тайёрлаш топшириққа нисбатан қандай бораётганлигини таҳлил қиладиган бўлсак, янада ачинарли манзара намойён бўлади. Бирорта туман йўқки, ҳеч бўлмаса, топшириқнинг 50 фоизи миқдорида дағал хашак тайёрлаган бўлса. Тезкор маълумотномага қараганда топшириқ Паркент туманида 43, Пскент туманида 29,5 ва Охангарон туманида 29,3 фоиз бажарилди. Бўстонлик, Зангиота, Куйичирчиқ, Тошкент, Оққўрғон туманларида эса 3,9-7,2 фоизда ётибди. Бундай тошбақа суръат билан навбатдаги чорва қишлоғига етарли миқдорда озуқа жамғариб бўлмайди, албатта.

Ачинарлиси шундаки, бу йилги меъёридан ортиқча ёгингарчилик таъсирида дала ва қирларда, яйловларда ўт-ўлан мўл-кўл бўлган қулай шароитда ҳам айрим туманлар табиий пичан тайёрлашни эплай олмадилар. Бўка, Чиноз, Юқоричирчиқ туманлари раҳбарлари ва мутахассислари эса бу ишга умуман қўл урмаганлар. Айниқса, энг катта имкониятларга эга бўлган Бўстонлик туманида шу пайтгача нима учун топшириққа нисбатан 5 фоиз ҳам табиий пичан тайёрланмаганлиги ажабланарли холдир. Куйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Зангиота туманларида бор-йўғи 7,6-14 фоиз миқдорида табиий пичан жамғарилган.

Сигирлар сутини кўпайтирадиган ширали озуқа турларидан бири сенаж эканлиги ҳаммага маълум. Бироқ, билиш бошқа-ю, амал қилиш бошқа экан. Пскент тумани ҳақида гапиришнинг умуман хожати йўқ. Негаки, сенаж бостириш кераклиги ҳали ҳеч кимнинг эсига келмаган. Мутасаддилар шу пайтгача бир грамм ҳам сенаж бостирмай, хотиржам юришипти. Чиноз ва Юқоричирчиқ туманларида

(Давоми. Боши 1-бетда).


Таҳлил, ҳулоса, сабоқ

ҳам қўл учидан иш қилинапти. Акс ҳолда эндигина 7,5-9,6 фоиз миқдорида сенаж бостирилмаган бўларди.

Беда – чорвачиликнинг асосий озукиси, дағал хашакнинг нақди ҳисобланади. Буни тушунмайдиган раҳбар ва мутахассиснинг чорвачилик билан шуғулланмагани маъқул. Бу гап кўпроқ Бекобод, Бўстонлик ва Тошкент туманларига тегишли. Чунки, бу туманларда шу кунгача топшириққа нисбатан 2,7-8,3 фоиз беда пичани тайёрла-

пичани 64,7 фоиз, табиий пичан 79,12, сенаж бостириш 53,3 фоиз бажарилиб, вилоят бўйича энг юқори натижага эришилди.

Кўриниб турибдики, чорвачилик соҳасига ўғай кўз билан қарамай, ўз вазифасига виждонан муносабатда бўлаётган, изланиб, ташаббус кўрсатиб ишлаётган раҳбар ва мутахассислар топшириқларни уддалашяпти. Аксинча, галла ўрим-йиғими ва ғўза парваришини баҳона қилиб, аслида оромларини бузгилар-



ҒАЛЛА, ПАХТА ҚАТОРИДА ОЗУҚА ҲАМ КЕРАК

нибди. Куйичирчиқ, Оққўрғон, Зангиота, Қибрай туманларида ҳам 9,3-20,3 фоизда ётибди.

Юқорида номлари қайд этилган туманларда юз берган бундай хунук аҳволнинг асосий сабаби раҳбар ва мутахассисларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги, ишни тўғри ташкил қила олмаглиги, мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар эта билмаслигидир. Шундай дейишга асос бор. Айрим туманларда топшириқни бажаришнинг уддасидан чиқиш учун имкониятларни тўла ишга солишга ҳаракат қилинапти. Буни Паркент тумани мисолида кўрайдиган бўлсак, ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, ширкат ва деҳқон-фермер хўжалиқларининг мавжуд имкониятларини олдиндан ҳисоб-китоб қилиниб, шунга мувофиқ топшириқлар берилган. Бу билан чекланиб қолмай, зарурат туғилганда техника воситалари масаласида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шу боис туманда дағал хашак тайёрлаш топшириғи ҳозиргача 43 фоиз, шу жумладан беда

ри, жон куйдиргилари келмаётган раҳбарлар эса, унисини ҳам, бунисини ҳам эпламаётганлари устига бутун вилоятни орқага тортмоқдалар. Айрим хўжалиқлардаги аҳвол шу фикримизга яққол мисол бўла олади. Бўстонлик туманидаги «Енбек» ширкат хўжалиғида (бошқарув раиси Бейсен Асанов) дағал хашак тайёрлаш режаси 28 тонна ёки 0,6 фоиз бажарилди. Топшириқдаги 1200 тонна ўрнига 20 тонна беда пичани тайёрланди. Келишиб олгандек, «Кўшқўрғон» хўжалиғида ҳам айнан шунчадан дағал хашак ва беда пичани жамғарилган. Бу арзимаган миқдордаги куруқ хашак билан қанча молни қишлоқдан омон олиб чиқиш мумкин?

Қибрай туманидаги «Санта Гертруд» фермер хўжалиғи (раҳбари С. Иолтай) ва «Маъмуров» хусусий фермер хўжалиғида (раҳбари К. Маҳсудов) нима билан шуғулланишаётганини, умуман тушуниб бўлмайди. Улар фақат янги беда ва силос учун маккажўхори экиш

топшириғига эътибор берганлар, холос. Чорва қишлоғи учун эса, бир грамм ҳам озуқа тайёрланмади.

Беда ўрими хусусида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, чорванинг асосий озукасига бўлган эътибор айрим туманларда мутлақо қониқарсиз. Ёз ўрталоб бораётганига қарамай, Бўстонлик, Юқоричирчиқ, Чиноз, Паркент, Куйичирчиқ туманларида ҳали беданинг биринчи ўрими ҳам тугаллангани йўқ. Афтидан, айрим раҳбар ва мутахассислар галла ўримида сўнг йиғиштириб олинадиган сомонга умид боғлаётган кўринишади. Ваҳоланки, табиий ўт ва беда пичанлари сомонга нисбатан бир неча баробар сердон, тўйимли бўлиб, жуда арзонга тушади.

Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлик, Бўка, Пскент, Ўртачирчиқ, Чиноз, Янгийўл туманларида силос учун маккажўхори экиш топшириғи ҳеч қандай сабабсиз барбод этилди. Ушбу туманларда бу муҳим тадбирнинг ижроси 23-40

фоизда қолиб кетди.

Юқорида тилга олинган барча камчилик ва нуқсонларнинг асосий сабабларидан бири туман ҳамда хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг чорвачиликка кейинги пайтларда иккинчи даражали соҳа сифатида қараётганлари оқибатидир. Туман ҳокимликлари назорат инспекциялари масъул ходимлари эса, улар билан мурасасозлик қилмоқдалар. Топшириқларни барбод қилаётган ширкат ва фермер хўжалиқлари, шунингдек, фермер хўжалиқлари уюшмалари раҳбарлари кучайтириб, пировард натижада эса чорвачиликнинг озуқа базасини сусайтириб, мол туёғи ва маҳсулот етиштиришнинг камайишига олиб келмоқда.


Энди бундай хўжасизликка йўл қўйиб бўлмайди. Чорвачилик тармоғига масъул бўлган раҳбар ва мутахассислар вужудга келган бугунги ташвишли вазият сабабларини ҳар томонлама, чуқур таҳлил этишлари, тегишли ҳулоса чиқаришлари ва энг муҳими – аҳволни зудлик билан ўнглаш имконини берадиган чоратадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишлари зарур.

Улуғбек ИБРОҲИМОВ,
вилоят ҳокимлиги
агроноат мажмуи
масалалари бўйича
котибият мудири.

Мавсум ташвишлари

СУРЪАТНИ ОШИРИБ

Шу кунларда Зангиота тумани галлазорларини айланган кишининг кўнгли равшан бўлади. Чунки, галла ўримида ниҳоятда қизгин ва масъулиятли палласи бошланди. Бу йил туман галлакорлари 2 минг 940 гектар майдонга бошоқли дон экиб, шартнома режасига мувофиқ давлатга 11 минг 492,5



тонна дон топширишини ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Туман қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, даладаги ҳосилнинг чўғи шартнома режасидан кўп.

Туманда мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, ҳосилни нес-нобуд қилмай тез фурсатда ўриб олиш, комбайнлар қув-

ватидан тўла фойдаланиш мақсадида кўчма устахоналар, шийпонлар ташкил этилди. Уларга табиий, маданий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалиғи ходимлари касабга уюшмаси туман кўмитаси ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказиш, юқори натижага эришган комбайнчилар, транспорт воситалари ҳайдовчиларини ва бошқа ходимларни иш унумига, ўрим-йиғим сифатига, ҳосил нобудгарчилигини қисқартиришига қараб рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Ана шу кўрилган тадбирлар туфайли туманда мавжуд бўлган 4та «Кейс» ва 5та «Россия» комбайнларидан унумли фойдаланилаётди. Илгор комбайнчилардан Талъат Одилхонов, Қурол Аминов, Абдурасул Ержонов, Бахтиёр Эрматов ва Бахтиёр Фофуров ўрим сифати ва суръатини оширмоқдалар.

Дастлабки кўрсаткичларга қараганда, мавсум бошидан буён 300 гектардан ортиқ майдондаги галла йиғиб олинди. Ҳосилдорлик 43,5 центнерни ташкил этмоқда.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.


Вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг туман бўлинмалари бу йилги галла ҳосилини қисқа муддатларда ва нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишда фаол иштирок этмоқда.

Мавсум бошланиши олдиндан вилоят ИИБнинг туманларга бириктирилган масъул ходимлари, туман прокурорлари, ички ишлар бўлимлари бошлиқлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, галлани ўғирлаш ва талон-торож қилишнинг олдини олиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил амалга оширилмоқда.

Галлани ўғирлаш ва ташмалашнинг олдини олиш юзасида кўрилатган зарур чора-тадбирлар ўз самарасини бераёпти. Ҳозирги кунгача вилоят бўйича жами 7 та қонунбузарлик ҳолати юз берганлиги аниқланди. Шундан олтигаси Бекобод туманида содир этилган. Жумладан, Бобур номли хўжалиқда яшовчи Мухаммадқори Фозилқаримов, Собир Умаров, Дилшод Темуров ва Раҳим Пирназаров, А.Мавлонов номли хўжалиқдан Жуманазар Жўрабоев 35 килограммдан 50 килограммгача бугдойни ўғирлаганлари учун ҳар бирига 5 минг сўмдан 10 минг сўмгача жарима солинди.

Бекобод шаҳрида яшовчи хусусий тадбиркор Қаҳҳор Шамсиев 500 килограмм бугдойни ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетаётганида ушланди

ДОН — ЮРТ БОЙЛИГИ
Уни авайлаб-асраш ҳаммамизнинг бурчимиз



евга сотаётган вақтида ушланди ва керакли хужжатлар расмийлаштирилди.

Ҳа, биз галла талон-торож қилинишига қарши ҳаммавақт курашганмиз. Лекин ҳамма гап унинг бир ховучини ҳам йўқотмай, омборларга топширишда эканлигини ҳис қилишда. Биз ризқи-рўзимиз бўлган галлани тўла ўриб-янчиб олишимиз, уни ташмалаш ва нобуд қилинишига асло йўл қўймағимиз керак.

DUSHANBA

24

«Ўзбекистон»

телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
«Ўзбекистон» телеканал
24 июнь куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди

15.00 «Тахлилнома».
15.45 ТВ анонс.
15.50 «Ошин». Телесериал.
16.20 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
16.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».
«Ёзги таътил кунларида»: «Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Шоирлар-болаларга». 2. «Олтин

тож». Телевизион ўйин.
18.00 Янгиликлар
18.10 «Кўшигимиз сизга армуғон».
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Вазият».
21.25 «Муסיқа: кеча ва бугун».
22.05 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».

22.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
23.25 «Ахборот - дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

Профилактика муносабати билан душанба 24 июнь куни «Ёшлар» телеканал кўрсатувлари соат 15.00 да бошланади.

15.00 Кўрсатувлар дастури.
15.05 «Давр» ҳафта ичида.
15.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
16.25 Муסיкий лаҳзалар.
16.35 «Аршин мол-олон». Бадийий фильм.
17.55 «Янги авлод» почтаси, «Кичкинтой театри».
18.25 Ёшлар овози.

18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Ишингиз бароридан келсин.
20.35 Ёшлик наволари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.05-1.10 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 16-қисм.
17.55, 19.10, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 21.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Спорт ва болалар».
19.45 «Камалак».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.55 «ТВ плюс».
22.20 «Пойтахт шарҳи».
22.45 Кинонигоҳ: «Олти кеча, етти кундуз».
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Мультсеанс».
17.15 Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
17.25 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.20 Г. Вицин «Васий» комедиясида.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
*
21.25 «Майерлинг». Сериал. 1-қисм.
22.25 «ТВ-4 да Немис тўлкини».
22.45 Кинематограф. «Учинчиси ортиқча эмас». Бадийий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.
17.00 Дастурнинг очилиши.
17.05 Ҳужжатли кино: «Одам ва денгиз».
17.40, 20.35 — «Телехамкор».
18.00 «Барон исмли». Драма.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Турналар уммоқда».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона», муסיкий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Ўқчи».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

SESHANBA

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.30 «Соғлом она - соғлом бола».
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Портрет».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Семурғ». Бадийий фильм.
11.30 Болалар учун. «Фламинго».
11.50 ТВ клип.
12.05 «Тиббиёт одимлари».
12.15 «Париси бор уй».
12.45, 15.55 ТВ анонс.
12.50 «Талабалик йилларим».
13.15 «Қалбимга кулоқ

сол». А. Исмоилов.
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.30 Кундузги сеанс: «Аҳмад қаерда?» Бадийий фильм.
16.00 «Муסיқа: кеча ва бугун».
16.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Келажак пойдевори».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Инсон ва қонун».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.45 «Ўзбекистон»

каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 «Сарҳад билмас дўстлик».
22.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
22.50 «Ахборот - дайжест».
23.15 «Ахборот - дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Кичкинтой театри».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Олов билан юзма-юз.
10.15 Муסיкий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 Жаҳон жуғрофияси.
12.05 Хайитмат Расул. «Боши қотган ошиқлар». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
13.25 Кўҳна оҳанглар.
13.40 Адолат сарҳади.
14.00 «Эртақлар тарқ этган

дара». Бадийий фильм.
15.15 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саёҳат», болалар учун концерт.
15.45 «Мульттомоша».
16.00 Ватан манзаралари.
16.20 ТВ-анонс.
*
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
*
18.20 Автопатруль.
18.35 Сифат белгиси.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.55 Давр-интервью.
20.10 Марди майдон.
20.30 Муҳаббат кўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.05- 1.10 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 17-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани». 18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Дурдона».
19.25 «Нима учун?»
19.50 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.55 «Бир кўшиқ тарихи». «Догман».
22.55 Кинонигоҳ, «Эдвард-қайчиқул».
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 Н. Орейро ижросидаги концерт дастури.
18.30 «Бугун оламда». Ахборот дастури.
*
18.40 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
19.05 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
*
20.35 Кинематограф. «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадийий фильм.
22.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.25 — Болалар соати.

10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.
10.50 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.10 «Ханума». Фильм-спектакль. 1-серия.
13.40 «Майами сендс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.
16.50 «Футурама». Мультсериал.
17.15 Ҳужжатли кино. «Одамлар ва тоғлар». Сериал.
18.00 «Барон исмли». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «ЦРУ. Алекс операцияси». 1-қисм.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Подмосковье элегияси».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

CHORSHANBA

26

«Ўзбекистон» телеканал

БУГУН ЖАҲОН ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Она замин неъматлари».
9.10 «Созим менинг».
9.35 «Камолотнинг ойдин йўли».
9.55 Клип.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Маугли». Мультфильм.
12.05 «Баркамол авлод орзуси».
12.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
13.25 Клип.

13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.30 «Имконият». Бадийий фильм.
15.45 «Оғусиз дунё».
16.00 Клип.
16.05 «Ягона оилада».
16.35 «Бир жиноят изидан».
16.50 Клип.
«Болалар сайёраси»: 17.00 1. «Болалар ва катталар». 2. «Кувноқ шахарча». Телемусобақа.
18.10 «Гиёхвандлик - аср вабоси».
18.30 «Умид» Телелотереяси.
19.10 «Сиҳат-саломатлик».
19.25; 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Аср муаммоси».
21.40 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
22.15 «Ўзбекистон»

каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.45 «Шаҳар бедарвоза эмас».
23.05 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
23.20 «Ахборот - дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саёҳат», болалар учун концерт.
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Давр-интервью.
10.15 Муסיкий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 Болалар экрани: «Оқ бўталок». Мультфильм.
11.35 Саломат бўлинг.
11.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
12.45 Автопатруль.
13.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.

13.35 Кўҳна оҳанглар.
13.45 «Жар ёқасида». Бадийий фильм.
15.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Шум болалар».
15.45 Оғоҳ.
16.00 ТВ-анонс.
16.05 Таянч.
*
16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот дастури.
1.05-1.10 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирибгарлар». 18-қисм.
17.55, 19.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 22.05, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Гиёхвандлик-аср вабоси».
19.30 «Муסיкий меҳмонхона».
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.15 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.
23.10 Кинонигоҳ, «Эҳтиёт бўлинг, бойлик».

00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бугун оламда». Ахборот дастури.
*
17.20 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 В. Ильин «Алмашувчилар» комедиясида.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
21.25 «Форс-мажор».

22.00 «Майерлинг». Сериал. 2-қисм.
23.00 «ТВ-4да муסיқа».
23.10 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 —

«Телехамкор».
9.30, 14.25 — Болалар соати.
10.25 «Тир на Ногнинг сирли рицарлари». Сериал.
10.50 «Яши кайфият».
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.10 «Ханума». 2-серия.
13.40 «Майами сендс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.
16.50 «Футурама». Мультсериал.
17.15 «Овқат шинавандалари учун саёҳат». Сериал.
18.00 «Барон исмли». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «ЦРУ. Алекс операцияси». 2-қисм.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
21.30 Хинд киноси: «Ташувчи № 1».

PAYSHANBA

27

«Ўзбекистон» телеканал

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Ёзги таътил кунларида»:

«Болалар сайёраси». 9.00 1. «Покахонтас». Мультсериал премьераси. 2. «Кувноқ шахарча». Телемусобақа.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртақ». Бадийий фильм.
11.20 «Йиллар ва йўллар».
11.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ҳамиша навқирон қалблар». Премьера.
12.05 «Бу ажиб фасл».

Телелыманнах.
12.30, 13.55 ТВ анонс.
12.35 «Кўшигимиз сизга армуғон».
13.05 «Ошин». Телесериал.
13.35 «Озод юрт одамлари».
14.10 Кундузги сеанс: «Алпомиш». Бадийий фильм. 1-қисм.
15.30 ТВ клип.
15.40 «Алпомиш». Бадийий фильм. 2-қисм.
16.55 «Харита». Халқаро шарҳ.
«Ёзги таътил кунларида»: «Болалар сайёраси». 17.10 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.

18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.30 «Яши ният». Телелотерея.
19.05 «Ажаб саодат эрур».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот. Саволларга истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи мутасадди ташкилотларнинг

ходимлари жавоб беради.
21.40 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
22.40 «Келин-куёв». Телешоу.
23.50 «Ахборот-дайжест».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Шум

болалар».
9.45 «Мульттомоша».
10.00 Таянч.
10.25 Муסיкий лаҳзалар.
10.35 «Эсмеральда». Телесериал.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 Тафаккур ёлқинлари.
11.40 Спорт қитъаси (рус тилида)
12.05 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.25 Оғоҳ.
12.40 Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
13.30 Кўҳна оҳанглар.
13.40 Болалар экрани: «Бананлар».

14.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
15.05 Сифат белгиси.
15.15 «Сени севдим». Бадийий фильм. 1-қисм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», болалар учун концерт.
17.10 Кўшқулоқ.
17.25 Ҳамкасб.
17.40 Виллят ёш хонандалари куйлайди. Телесериал.
18.15 ТВ-анонс.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом

наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот
дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўна оҳанглар.
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 Мезон.
20.25 «Байрамнинг
муборак бўлини!»
Мусликий дастур.
20.50, 21.25, 22.35
Эълонлар
20.55 «Эсмеральда».
Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот
дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканали-
да спорт: Интерфутбол.
00.50 «Давр». Ахборот
дастури.
1.05-1.10 Хайрли тун!
**«Тошкент»
телеканали**
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал
«Офисина баридан чиққан

фирибгарлар». 19-қисм.
17.55, 19.15, 21.35
«Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Навиқол».
18.30, 20.00, 21.15, 21.55
«Пойтахт». Ахборот
дастури.
18.50 «Камолот фасли».
19.35 Мусликий лаҳзалар.
19.45 «Тошкент ва тошкент-
ликлар».
20.30 ТВда сериал:
«Бебилиска пул».
22.20 Кинонигоҳ. «Тўхта,
онам ҳимоя қилади».
23.45-23.50 Хайрли тун.

шахрим!
**«Халқаро»
телеканал**
РЖТ 6.30-8.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бугун оламда».
Ахборот дастури.
17.20 «Оилавий ришталар».
Сериал.
18.15 «Марслик сеvimли
дўстим». Комедия.
20.00 «Время».
20.35 «Рус рулеткаси».

21.25 «Ишбилармон
кишилар».
21.45 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
21.55 «Соккер клуб».
22.15 «Бугунги Япония».
22.35 «Чапдаст». Сериал. 1-
қисм.
23.35 «Ахборот» (рус
тилида)
00.05 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 17.40, 20.35 —
«Телехамкор».
9.30, 14.25 Болалар соати.
10.25 «Тир на Ногнинг
сирли рицари» Сериал.
10.50 «Яши кайфият».
11.20 «Иблис боласи».
Сериал.
12.10 «Покров дарбозала-
ри». 1-қисм.
13.40 «Майами Сендс».
Сериал.
15.10 Кундузги киносеанс:
«Магдаленанинг сокин
ақирслари». Сериал.

16.50 «Симпсонлар».
Мультсериал.
17.15 «Кино, кино, кино».
18.00 «Барон исмли».
Сериал.
19.00 «30-канал» киноқ-
шоми: «Яшиларнинг энг
яхшиси — II».
21.00 «Хайрли тун,
кинointойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусликий
дастур.
21.30 «30-канал» киноқ-
шоми: «Симпсонлар».
23.15 «Тез ёрдам».
Сериал.

JUMA

28

**«Ўзбекистон»
телеканали**
6.00 «Ассалом, Ўзбекис-
тон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси».
9.00 1. «Болаликнинг
мовий осмони». 2.
«Бешбармоқ». Тележур-
нал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Янгиликлар.
10.05 «Рикки-Тикки-Тави».
Бадий фильм.
11.20 «Ўзбекистон: XXI аср
ёшлари».
11.40 Эстрада тароналари.
12.05 «Ажаб саодат эрур».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Олам». Телеальма-
нах.
13.00 Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари кунига
бағишланган кўрсатув ва

концерт.
14.10 Кундузги сеанс:
«Плюшчидаги «Уч терак»
қаҳвахонаси». Бадий
фильм.
15.25 «Кувноқлар ва
зукколар». Телемусобақа.
16.05 ТВ клип.
16.15 «Мохият».
16.35 «Фарзанд - умид
юлдузи».
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси».
17.00 «Уйла, изла, топ!»
Телемусобақа.
17.40 «Нурли манзиллар».
18.10 «Бугдойзордаги уйча».
Мультфильм.
18.20 «Тиббиёт одимлари».
18.30 «Мурабий». Спорт
дастури.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси
намоиш этади: «Эътиқод
мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Бир жуфт кўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Санъатга баҳшида
умр». Ф. Раҳматова.
21.40 «Соғлом она - соғлом
бола».
22.00 «Ўзбекистон»
каналида илк маротаба:
«Ошин». Телесериал
премьераси.
22.30 «Бу ажиб фасл».
Телеальманах.
22.50 Қарияларни кадрлаш
йилига бағишланган
фольклор жамоаларининг
аънвий республика
кўрик-танлови. 1-қисм.
23.15 «Ахборот - дайжест».
23.35-23.40 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканали**
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот
дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси:
«У ким? Бу нима?»
Болалар учун концерт.
9.40 «Давр»-интервью.
9.55 Мусликий лаҳзалар.
10.10 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 «Жилванмаган

Африка». Хужжатли
сериал.
11.50 Мезон.
12.10 Кўна оҳанглар.
12.20 Сийрат.
12.40 «Истиқлол умидлари-
2001» битирувчилари
оқшоми.
14.55 «Сени севдим».
Бадий фильм. 2-қисм.
16.25 Хўқуқ ва бурч.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод»
студияси: «Спорт
майдончаси», «Олтин
калит».
17.15 «Озод юрт
фарзандиман». Дийр
Маҳаммов кўлайди.
17.50 Саломатлик сирлари.
18.10 «Оби ҳаёт» туркум-
дан: «Жараён».
18.30 Муголаа.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот
дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўна оҳанглар.
19.50 Аскар мактублари.
20.10 Аср қиёфаси.
20.30 «Ер ишқи». Мусликий
дастур.
20.50, 21.25, 22.35
Эълонлар

20.55 «Эсмеральда».
Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот
дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида
спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр»
дастури.
00.20-00.25 Хайрли тун!
**«Тошкент»
телеканали**
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал
«Офисина баридан чиққан
фирибгарлар». 20-қисм.
17.55, 19.10, 21.35
«Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Саломатлик
маскани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.10
«Пойтахт». Ахборот
дастури.
18.50 «Хайрли оқшом».
19.30 «Саодат қалити».
19.50 Мусликий таърифус.
20.30 ТВда сериал:
«Бебилиска пул».
21.55 «Кўрама ўлкам».
22.35 Кинонигоҳ. «Бизга
юлдуз керак».

24.00-00.05 Хайрли тун,
шахрим!
**«Халқаро»
телеканал**
РЖТ 6.30-8.00
16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 «Ўз-ўзига режиссёр».
17.15 «Бугун оламда».
Ахборот дастури.
17.25 «Оилавий ришталар».
Сериал.
18.25 «Хужжатли детектив».
19.00 «Мўъжизалар
майдони».
20.35 «Чапдаст». Сериал. 2-
қисм.
21.35 «Дурдардан».
22.00 «Гўзаллик ва
мангулик ҳақида».
22.20 Кинонинг олтин асри:
«Эль Греко». Бадий
фильм.
23.35 «Ахборот» (рус
тилида)
00.15 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 —

«Телехамкор».
9.30, 14.25 — Болалар
соати.
10.25 «Тир на Ногнинг
сирли рицари».
Сериал.
10.50 «Субатдош». Дам
олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи».
Телесериал.
12.10 «Покров дарбозала-
ри». 2-серия.
13.40 «Майами Сендс».
Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал:
«Магдаленанинг сокин
ақирслари». Сериал.
16.50 «Симпсонлар».
Мультсериал.
17.15 «Шоҳид». Хужжатли
сериал.
18.00 «Барон исмли».
Сериал.
19.00 «30-канал» да ринг
қироллари.
21.00 «Хайрли тун,
кинointойлар!».
21.15 «Ошиқона».
Мусликий дастур.
21.30 «30-канал»
киноқшоми: «Шарқ-
Фарб».
23.15 «Тез ёрдам».
Сериал.

SHANBA

29

**«Ўзбекистон»
телеканали**
6.00 «Ассалом, Ўзбекис-
тон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси».
9.00 «Уйла, изла, топ!»
Телемусобақа.
9.40 «Зиё» студияси
намоиш этади:
«Эътиқод мустаҳкамлиги
йўлида».
10.00 ТВ-1 кинотеатри:
«Сабрина». Бадий
фильм.
12.00 ТВ анонс.
12.05 «Ўзбекистон
бастакорлари». М.
Бурхонов.
12.30 «Эртақлар -
яхшиликка етаклар».
13.50, 16.05 ТВ клип.
14.00 «Маърифат».
Телеальманах.
14.20 «Дунё эшикларини
очилди бизга».

14.40 «ТВ альманах».
15.00 Муайтай бўйича
халқаро турнир.
Адабий жараён:
15.20 1. «Ёзувчи ва замон».
2. «Шеър ва шуур». 3.
«Дунё адабиёти».
16.15 «Ягона оилада».
16.45 Болалар учун.
«Миттвойлар оиласи».
17.05 «Рангин дунё».
17.25 «Бахтимизга омон
бўлинг».
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси».
17.45 «Мўъжизалар
майдончаси». Телешоу.
18.45 «Яккама-якка жанг».
Спорт дастури.
19.05 «Кишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00
Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод уйда пок

одамлар яшайди».
21.25 «Шанба оқшомида».
21.55 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
22.10 Қарияларни кадрлаш
йилига бағишланган
фольклор жамоаларининг
аънвий республика
кўрик-танлови. 2-қисм.
22.35 «Ахборот-дайжест».
**«Тунги ёдду». Дам олиш
дастури.**
22.55 «Ўзбекистон»
каналида илк маротаба:
«Доно Мондхуй хоним».
Бадий фильм.
1.05-1.10 Ватан тимсолла-
ри.
**«Ёшлар»
телеканали**
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси:
«Спорт майдончаси»,
«Олтин қалит».
9.25 «Мультмомоша».
9.40 Табобат оламиди.
10.00 Мусликий лаҳзалар.
10.10 Аср қиёфаси.
10.30 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Кўшуқулқ.
11.25 Ҳамкасб.

11.40 Бола тилидан.
12.10 «Ёшлар» телеканали-
да премьераси: «Кэролайн».
Бадий фильм.
13.45 Кўна оҳанглар.
13.55 «Ёшлар» телеканали-
да спорт: Ринг қироллари.
14.55 «Рамаана».
Телесериал.
15.30 «Янги авлод»
студияси: «Катта таъриф-
фус», болалар учун
концерт.
16.00 Футбол бўйича жаҳон
чемпионат кундалиги.
17.50 ТВ-анонс.
18.00 Кинотакдим.
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Бизнес-академия.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот
дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Каталог.
19.50 Юлдузлар чехраси.
20.15 Ёшлик наволари.
20.30 Кутилмаган меҳмон.
20.50, 21.45, 22.35
Эълонлар
20.55 «Жюли Леско».
Бадий фильм. 13 қисм.
21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот
дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканали
спорт: Интерфутбол.
00.30-00.35 Хайрли тун!
**«Тошкент»
телеканали**
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультнарпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.25, 19.40, 21.40
«Экспресс» телегазетаси.
18.45 «Мисли гавҳар».
19.00 «Пойтахт». Шанбадан-
шанбагача (рус)
19.20 «Хусусийлаштириш:
қадам-бақадам».
20.00 «Нима учун?»
20.20 «Табриқлаймиз-
қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт». Шанбадан-
шанбагача.
21.20 «Ҳамшаҳарлар».
22.00 Кинонигоҳ.
«Кардебалет».
23.50-23.55 Хайрли тун,
шахрим!
**«Халқаро»
телеканал**
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусика».

9.10 Е. Петросяниннинг «Кўлгу
панорамаси».
9.45 «Лаззат».
10.05 «Хайвонот оламиди».
10.45 «CFI янгиликлари».
10.55 «Инглиз тили Сиз
учун».
11.20 «Фан-тайм».
11.30 Болалар соати:
«Тошдаги қилич».
Мультфильм.
12.45-13.45 Дўстлик
видеоканали: «Умид».
«Чинсан», «Бизнен мирас».
13.45-14.15 «Немис тили».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.30 «Мюзик холл».
18.00 «Ҳазил кетидан
ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.55 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
Телешоу.
20.00 «Время».
20.30 «Ассалом Франция!»
20.45 «Тенгдошлар».
21.10 «Олтин микрофон».
Мусликий дастур.
21.35 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати (яқим финал)
23.30 Ахборот (рус тилида)

30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 —
«Телехамкор».
9.30 «Малика Сиси».
Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм.
11.30 «Тивстинг кувноқ
оиласи». Телесериал.
12.00 Оилавий кино.
«Чангалзорлик бола».
13.40 «Баффи». Телесери-
ал.
14.30 Ҳинд киноси:
«Омадсиз олиффа».
16.40 «Яширин камера
билан». Кюмор дастури.
17.00 «Ўз уйини».
Телешоу.
18.10 «30-канал»
киноқшоми: «Чакмоқ
гулдурслари».
19.50 «Ошиқона».
Мусликий дастур.
20.00 «Вовочка». Сериал.
21.00 Детектив соати.
21.55 «30-канал»
киноқшоми: «Тундаги
узқ бўса».
23.30 Мусликий дастур.

YAK SHANBA

30

**«Ўзбекистон»
телеканали**
6.00 «Ассалом, Ўзбекис-
тон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалат». Болалар
учун кинодастур.
9.05 «Фаройибот».
9.25 «Муми-тролль».
Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат
қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 12.50, 15.55 ТВ
анонс.
11.25 «Кўна замин
оханглари».
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
11.50 «Мўъжизалар
майдончаси». Телешоу.
12.55 ТВ-1 кинотеатри:
«Кутилмаган меҳмон».
Бадий фильм.
14.10 ТВ клип.
14.20 «Қалб гавҳари».

14.40 «Куйла, ёшлигим».
15.05 «Покахонтас».
Мультсериал премьераси.
16.00 «Корақалпоқнома».
16.25 Республика Ички
Ишлар Вазирлигининг
Қарияларни кадрлаш йилига
бағишланган хайрия
концерти.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Улгайиш
погонлари». 2. «Олтин
тож». Телевизион ўйин.
18.00 «Талабалик
йилларим».
18.25 «Туртинчи ҳокимият».
18.45 «Оқ олтин».
Телелотерея.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10,
21.55 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус
тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
Кинокўрсатув.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз
билан бирга».

21.35 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
21.50 «Қизлар давраси» -
«Корейда».
«Якшанба кинозали:
23.10 «Ўзбекистон»
каналида илк маротаба:
«Ўзганинг чиптаси». Бадий
фильм.
00.45-00.50 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканали**
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси:
«Уй вазифаси», болалар
учун кўшиқлар.
9.30 «Мультмомоша».
9.45 Давр-интервью.
10.00 Мусликий лаҳзалар.
10.15 «Зинама-зина».
10.45 Очил дастурхон.
11.00 «Ёшлар» телеканалида
ҳарбий-ватанпарварлик
дастури: 1. Марди майдон.
2. Аскар мактублари.
11.40 «Ёшлар» телеканалида
премьераси: «Омонат қасам».
Бадий фильм.
13.15 Кишлоқдаги
тенгдошим.

13.35 «Янги авлод»
студияси: «Ким эгил-у?
Ким чақон?»
14.00 «Истиқлол умидлари» -
2002 йил битирувчилари-
нинг оқшоми.
16.00 Футбол бўйича жаҳон
чемпионати кундалиги.
17.50 «Учинчи сайёра»
маърифий дастури.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» - news.
19.15 Оила тилсими.
19.40 Зафар Курбонбоев
қўлайди.
20.00, 20.55, 22.35
Эълонлар
20.05 «Жюли Леско».
Бадий фильм. 14 қисм.
21.00 «Заковат» интеллектуал
ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичиди».
Хайрулла Нуриддинов
билан.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканали-
да спорт: Интерфутбол.
00.30-00.35 Хайрли тун!

**«Тошкент»
телеканали**
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сеҳрли
олами».
18.55, 21.35, 22.15
«Экспресс» телегазетаси.
19.15 «Жаҳон географияси».
20.00 «Табриқлаймиз-
қутлаймиз».
21.00 «Пойтахт шарҳи».
21.25 «Телефакт».
21.55 «Спорт-клуб».
22.35 Кинонигоҳ. «Сўнги
ракс».
00.10-00.15 Хайрли тун,
шахрим!
**«Халқаро»
телеканал**
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусика».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда
ёзилмаган қайдалари».
9.30 «Ҳамма ўйдалмида».
10.10 «Кутқарувчилар».
Тезкор ёрдам».
10.40 «Кайфият».
Информацион дам олиш

дастури.
12.10 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
12.20 «Экран зийнати ва
қиймати».
12.45 «Хусусийлаштириш:
қадам-бақадам».
13.05-14.05 «Дўстлик»
видеоканали: «Рангинка-
мон», «Дидар», «Озарбай-
жон тухфалари».
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Билишчи истайди?»
16.25 CF1 тақдим этади:
«Бешиччи ўлчов».
16.50 «Лего-ленд». Болалар
учун ўйин.
17.20 «Ҳазил кетидан
ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
17.55 Шерон Стоун ва
Леонардо Ди Каприо
«Тезкор ва қаттол»
фильмида.
20.00 «Кинопрофи».
20.25 «Ракс қироли».
Бадий фильм.
21.25 «7 кун». Ҳафта
яқунлари.

21.50 Футбол бўйича
жаҳон чемпионати
(финал)
23.30 «Тахлилнома».
00.10 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг
очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.30
Телехамкор.
9.30 «Малика Сиси»
Мультсериал.
10.00 Фильм - болалар-
га.
12.00 Оилавий кино.
«Араб саргузаштлари».
13.40 «Баффи». Сериал.
14.30 Кундузги кинозал:
«Супер».
16.10 «30-канал»да
юзикарли учрашулар.
17.00 «Ўз уйини».
18.10 «30-канал»
киноқшоми: «Чакка ёки
пука».
19.50 «Ошиқона».
Мусликий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 Детектив соати.
21.45 «30-канал»
киноқшоми: «Оливер».
Мюзикл.

«КОИНОТ» ИШ БОШЛАДИ

Кунни кеча Ангрендаги 9-шахта «Кўмир» ҳиссадорлик жамияти ва «Ангрен» очик турдаги кўмир кони ҳомийлигида «Коинот» оромгоҳи иш бошлади. 400 ўринга мўлжалланган ушбу ҳордиқ маскани биринчи навбатдаги 380 болакайни ўз бағрига олди. Шундан 75 нафари Ангрен шаҳар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидир.

— Оромгоҳ фаолиятини йўлга қўйишдан мақсад, — дейди 9-шахта директори Рифат Муртазаев, — ангреник болалар, шунингдек, шахта ишчилари фарзандлари ёзги таътиллари мазмунли ўтказишлари кўмаклашидир.

Дарҳақиқат, бу ерда болалар ҳар тарафлама мириқиб дам олишлари ҳамда соғлиқларини тиклашлари учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

Чўмилиш ҳавзасидан тортиб, спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, теннис майдончалари, шахмат-шашка хоналари болакайлар ихтиёрида.

— Дам олувчи болалар 13 гуруҳга бўлинган, — дейди оромгоҳ раҳбари Раъ-

но Қажумова: — Ҳар бир гуруҳга тарбиячилар тайинланди, улар биргаликда машғулотлар ўтказишади. «Авиамодел», «Рақс», «Моҳир қўллар» тўғрақларида болаларга хунар ўргатилади. Келаси ҳафтадан спорт мусобақалари бошланади.

Оромгоҳда дам олувчи болалар учун маънавият бурчалари ташкил этилди. Унда юртимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳикоя қилувчи деворий газеталар, турли суратлар ўрин олган.

Ўз мухбиримиз.

Болалар ёзи



СУРАТЛАРДА: оромгоҳ очилиши маросими ва болаларнинг дам олишидан олинган лавҳалар.

Даврон АХМАД олган суратлар.

«КАМОЛОТ» ТАШАББУСИ БИЛАН

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгийўл шаҳар кенгаши ўз фаолияти доирасини тобора кенгайтириб бормоқда. Унинг сафига 35 мингдан зиёд йигит ва қизлар бирлашган. Жойларда кенгашнинг 45 та бошланғич ташкилоти ишлаб турибди.

Ҳаракат ёшларни бирлаштириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, ёшлар манфаатини ҳимоялашга алоҳида эътибор бермоқда. Ёшларнинг билим доирасини кенгайтириш ниятида «Сиз қонунни биласизми?», «Кувноқлар ва зукколар», «Тарих билимдонлари», «Шунқорлар» сингари кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Шунингдек, ёшлар кўпгина хайрли ишларга ҳам жалб этилмоқда.

Йигит-қизлар шаҳар маданият ва истироҳат боғида ҳашар йўли билан болалар майдончасини бунёд этдилар. Ҳаракат аъзолари томонидан меҳр-шафқат клуби ташкил қилинган. Улар ёлғиз қарияларга уй-рўзғор ишларида ҳам кўмаклашмоқдалар

Зухра ҲАЙДАРОВА.

Тақдимот

Санъат маркази намойиш этади

Тошкентдаги Замонавий санъат марказида "Нур ва соя нафосати" фотоальбомининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мустақиллик йилларида юртимизда ижоднинг барча соҳалари каби фото-санъат усталари самарали меҳнат қилиши учун ҳам кенг имкониятлар очилди.

Альбомдан республикамизнинг 17 нафар етакчи фоторассоми ижодига мансуб тўқсонга яқин ранг-баранг сурат ўрин олган.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



Кўргазма

"Янграр созим"



Халқ амалий санъати музейида халқ чолғу асбоблари усталари ижодига бағишланган "Янграр созим" мавзуда кўргазма очилди. Маданият ишлари вазирлиги "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этган кўргазмада умрини миллий чолғу асбобларимизни ясашга бахшида этган Усмон Зуфаров, Муҳаммад Ошим, Абдунаби Абдугофуров, Хусан Зокиров сингари таниқли усталар яратган соғларга кенг ўрин ажратилган.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Абитуриент - 2002

Вазирлар Маҳкамаси кунни кеча 2002/2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳукуматнинг ушбу қарори мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимида ўқитиш сифатини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу йилги тест синовларидаги янгиликлар ва ўзига хос жиҳатлар ҳақида марказ раҳбари, техника фанлари доктори Муҳсин МУҲИДДИНОВ ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳар йили тест синовлари тугаши биланоқ марказимиз янги мавсум учун тайёргарликни бошлаб юборади. Бу тайёргарлик бир неча босқичдан иборатдир. Ўтган йил мисолида кўрсак, биринчидан, натижалар атрофлича таҳлил этилиб, олий ўқув юртларида тест синовини ўтказиш жараёни ўрганилди. Аудитория раҳбарлари, вакилларимизнинг фаолияти, ўқувчиларнинг билим даражаси атрофлича таҳлил этилди. Ҳар бир абитуриентнинг билим сифати мониторинги шакллантирилди. Бу кенг қамровли таҳлил келгусида нималарга эътибор беришимиз кераклигини кўрсатди.

Иккинчидан, юртимизнинг барча мактабларида битирувчилар ўртасида тест синовлари ўтказдик. Унга кўра, ёшлар илгариги йиллардаги вариантлардаги масалаларни ечиб, муайян кўникма ҳосил қилди. Тест технологиясини амалда ўрганиб, фанлар бўйича ўз билимлари даражасини ҳолисона баҳолаб олди.

Шуниси эътиборлики, ҳали бирон давлатда мактабни тамомлаётган ўқувчилар ўртасида бундай катта ҳажмдаги таҳлилий материаллар бажарилмаган. Қолаверса, бу усул мактабларнинг ўқитиш жараёнини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этади. Шундай репетиция тестлари академик

лицейларда ҳам ўтказилиб, натижалари таққосланди.

Учинчидан, тест жамғармасига йиғилган саволларни қайтадан ишлаб чиқиб, таҳлил этдик. Юртимизнинг йирик олимлари, мутахассислари тест саволларини фанма-фан текшириб чиқишди ва саралашди. Масалан, тарих бўйи-

ТЕСТ — ХОЛИСЛИК МЕЗОНИ

ча тест саволлари жамғармасини академик Э. Ртвеладзе, профессор Т. Ширинов, В. Ягодин, физика бўйича эса профессор Т. Солиҳов каби таниқли олимлар кўриб чиққан.

Яна янги тест саволлари ҳам тузилди. Улар "Ахборотнома" журналида ўзбек тилида, "Вестник"да рус тилида ва "Хабарнома"да қорақалпоқ тилида чоп этилди. Саволларнинг умумий ҳажми эса 140 мингга етди, вариантлар сони янада ошди.

Марказ мутахассислари томонидан масофавий компьютер тест тизими яратилиб, барча вилоятларда жорий этилди. Энди турли ҳудудлардаги ёшларнинг билимини синаш имкони тугилди. Бу Вазирлар Маҳкамасининг компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мос тизимни шакллантиришга хизмат қилади. Энди

узоқ шаҳар ва туманлардаги ёшлар ҳам бевосита марказимиздаги компьютерлар билан боғланиб, ўз билимини текшириши мумкин.

Жойлардан ўқув юртларига ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида тезкор, тўлиқ маълумотларга эга бўлиш учун ҳар бир абитуриент бўйича марказимиз томонидан махсус компьютер дастури ишлаб чиқилди. У барча олий ўқув юртларига ўрнатилди, электрон оқоли автоматик равишда ахборот тизими ишга туширилди.

Ҳолисликни таъминлаш, қабул комиссиялари ишини автоматлаштириш, абитуриентлар тўғрисидаги маълумотни тар-

тиблаш ва ёшларнинг тест синовларида қатнашишини такомиллаштириш мақсадида "АБТ-Абитуриент" — автоматлаштирилган бошқарув тизими ҳам яратилди. Унинг ёрдамида ўқув юртларида ўрнатилган компьютер локал базаларига маълумотларни киритиш, сақлаш, тузатиш мумкин. Шунингдек, модем орқали ДТМга ўрнатилган бош серверга зарур маълумотлар узатилади.

Серверга узатилган маълумотлар, асосан, абитуриентларнинг исм-фамилияси, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, манзили ва бошқалардан иборат. Ҳужжат қабул қилиш муддати тугагач "АБТ-Абитуриент" махсус дастури асосида абитуриентлар танлаган ихтисослиги бўйича тест синовларида қатнашиш учун гуруҳларга ажратилади. Бу юмуш оператор ва дастур тузган мутахассисларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳолисона амалга оширилади.


Хуллас, ёшлар учун, айни пайтда, марказимиз ходимлари учун ҳам масъулиятли дамлар бошланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Xalq va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng so'nggi xabarlar



ЙИЛНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОСИ

Стокгольмдаги жаҳон муаммоларини тадқиқ этувчи институт навбатдаги йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, жорий йилнинг энг долзарб муаммоси атом реакторларининг террорчилик хуружидан тўла ҳимояланмаганидир.

Айни пайтда дунёда жами 756 атом реактори мавжуд. Уларнинг нечоғли хавфли эканини изоҳлашга ҳожат йўқ. Улардан ноўрин ёки ғаразли мақсадларда фойдаланиш, табиийки, оммавий қиргинга сабаб бўлиши мумкин.

Бир пайтлар одамлар атом сўзини эшитиб даҳшатга тушган бўлса, энди террор тушунчаси таҳлика уйғотяпти. Террор маълум маънода атомдан-да даҳшатли воситага айланиб қолди. Швециядаги халқаро институт вакилларининг маълум қилишича, 11 сентябрь воқеаларидан сўнг террорчилар бир нечта атом реакторига ҳам ҳужум уюштиришни мўлжаллаган экан.

Хуллас, мазкур институт мутахассислари муаммони белгилаб, бежиз ташвишга тушмаётганини ҳар томонлама исботлаб берган. Бу эса террор хавфини янада аниқ ҳис этиш, унга қарши ялпи курашни изчил давом эттириш зарурлигини аңлатади.


ЖАҲОН ҚОҶҚИНЛАР КУНИ

Икки йилки, 20 июнь қоҶқинлар куни сифатида нишонланмоқда. Бу сана БМТ Бош ассамблеяси томонидан махсус резолюция билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўрғазмалар залида шу санага бағишланган фото-кўрғазма очилди. У БМТ ҚоҶқинлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган бўлиб, суратларда дунёнинг турли мамлакатларида кун кечираётган муҳожирлар ҳаёти акс эттирилган.

Ҳозир жаҳондаги қоҶқинларнинг 75 фоизи аёллар ва болалардан иборат бўлиб, уларнинг аксари яти афғонистонликдир. Сир эмаски, Афғонистонда узоқ давом этган беқарор вазият туфайли минглаб одамлар ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Энг долзарб халқаро муаммолардан бири ёритилган мазкур фото-кўрғазма бугун ўз ишини якунлайди.




ТЕМИРТАН ҲИЛЧИЛАР ТҮП СУРМОҚДА

Футбол бўйича Жапония ва Японияда давом этаётган жаҳон чемпионатида икки кунлик таътил эълон қилинган кунларда футбол ишқибозларининг диққати бошқа жаҳон чемпионатига қаратилди.

Япониянинг Фукуока шаҳрида роботлар ўртасида жаҳон кубоги учун дастлабки босқич ўйинлари бошланди.

«Роботлар кубоги» учун бўлаётган ўйинларнинг гуруҳ босқичида 30 мамлакатдан 193 жамоа иштирок этмоқда. Терма жамоалар ўйинчиларнинг бўйи, оёқлари сони ва жасадига қараб лигаларга бўлинган.

Мусобақа қоидалари ҳам аънанавий. Барча ўйинлар икки таймдан бўлиб, ҳар бири ўн дақиқадан иборат. Футбол майдонлари ва дарвозаларнинг катталиги «чарм тўп усталари»нинг катта-кичиклигига қараб белгиланган. Финал ўйинлари эса эртага бўлиб ўтади. Сўнгра роботсозлар XXI аср техникасининг истиқболларини муҳокама этади.



Шарҳловчи минбари

ҚУДДУСДА ЯНА БИР ПОРТЛАШ

Қуддус аҳли уч кун аввалги портлашнинг мотамидан чиқмай туриб, бошига янги фожиа тушди. Бу сафар шаҳарнинг шимолий қисмидаги Гива ва Царфатит кўчалари кесилган чорраҳада бир фаластинлик ўзини портлатиб юборди. Бомба автобус бекатида портлагани учун жабрланган ҳам кўп бўлди. Етти киши ҳаётдан кўз юмди, қирқдан ортиқ одам жароҳатланди.

Гувоҳларнинг айтишича, бомба-одам нарироқда қизил «Ауди» машинасидан тушиб, бекатга келган ва пайтини пойлаб, ўзини портлатган. У келган машина эса Қуддус шарқидаги фаластинликлар назорат қиладиган туман томон кетган.

Ушбу кўпоровчилик учун жавобгарликни «Ал-Ақсо шахидлари бригадаси» ўз зиммасига олди.

Маълумки, шаҳарнинг бомба портлаган шимолий қисми 1967 йилги урушда Исроил томонидан босиб олинган. «Ал-Ақсо шахидлари бригадаси» Ливандан туриб, босқинчилар бизнинг еримиздан кетмас экан, операцияларимиз давом этаверади, деган мазмунда баёнот тарқатди.

Исроил раҳбарияти 20 одам, жумладан, бир неча ёш боланинг умрига зомин бўлган уч кун аввалги портлаш учун аллақачон жавоб ҳаракатларини бошлаб юборган эди. Жумладан, Рамаллох шаҳри ва қоҶқинлар яшайдиган бир неча лагерга армия

қисмлари киритилди. Майда отишмалар юз бериб турибди. Хабарларга қараганда, кечаги тўқнашувда икки исроиллик ҳарбий ҳалок бўлган. Фаластинликларнинг талафоти ҳақида маълумот йўқ.

Кузатувчиларнинг фикрича, Исроил «террор эвазига ер» тамойили билан изоҳлаш мумкин бўлган тактикани қўллашга ўтмоқда. Ўтган йиллар давомида унинг сиёсати «ер эвазига тинчлик» тамойилига асосланар, яъни Фаластиндаги жангари гуруҳлар кўпоровчилик ҳаракатларини тўхтатиши ва қўшни араб давлатлари беғараз муносабат қуриши ҳисобига, Исроил 1967 йили босиб олинган ерларни секин-аста қайтариши керак эди. Энди Тел-Авивда бошқача гаплар юрибди: тинчлик ўрнатилмас экан, Фаластин Осло келишуви бўйича ўзига қайтарилган ҳудудларидан маҳрум бўлади. Исроил ўз назорати остидаги ҳудудларни бирин-кетин муқим эгаллашга киришган.

Бундан ташвишга тушган Ёсир Арафот мухторият аҳолисига мурожаат қилиб, хунрезликдан тийилишга даъват қилди. У бундай хатти-ҳаракатларни «Исроил истилосига қарши норозиликнинг гайриқонуний шакли» сифатида изоҳлар экан, оддий одамларни қириш йўли билан асло мақсадга эришиб бўлмаслигини таъкидлади.

Шу кунларда АҚШ президенти Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш борасидаги янги режаларини эълон қилиши керак эди. Лекин бўлиб ўтган воқеалар вазиятни ўзгартиргани боис у режалари билан ўртоқлашишни ортга сурди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Лондоннинг кўприқларидан бири.

Турфа олам

ДАНГАСАЛАР КЎП КАСАЛ БЎЛАРКАН

Стокгольм қироллик университетининг тиббиёт ходимлари олиб борган изланишлар шуни кўрсатдики, дангаса, иш-ёқмас ходимлар хасталикларга кўпроқ мойил эканлар. Сидкидилдан ишлайдиганлар эса нисбатан кам касал бўлишаркан.


Ҳафтасига 50 соат ва ундан кўпроқ меҳнат билан астойдил шуғулланадиган кишилар хизматига лоқайдлик билан муносабатда бўладиган касбдошларидан фарқли равишда, йил давомида умуман касаллик ва-рақалари олишмаган.



ФАҚАТ ТИЛЛОДАН

Асли хитойлик, ҳозирги вақтда Гонконгда яшаётган заргар Лам Сайунг харидорларни ўз дўконига кўпроқ жалб қилиш мақсадида нималар қилмаяпти, дейсиз. У, ҳатто, фақат олтин ишла-тиб ҳожатхона барпо этди. Бунинг учун 5 миллион доллар маблағ сарфлади. Унинг деворлари, эшиклари, кўзгулари, қоғоз тутғич-у сочиқ ушла-гичлари, раковина ҳамда ҳатто унитазлари – ҳаммаси ярқираб туради. Лекин, бу ҳожатхонага фақат мазкур заргарлик дўконидан ками билан 1,5 минг долларлик зеби-зийнат сотиб олган харидорларгина кириши мумкин.

ПОЙАБЗАЛ... МИЯНИ ҚИСАДИ



Оёқяланг бўлиб ишланг – бир гуруҳ америкалик олимлар тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келишди. Рухшунослар, иқтисодчилар ва шифокорлар Иллинойс штатидаги фирмаларнинг баъзи ходимларини, уларнинг розилиги билан, ярим йил давомида кузатдилар. Орадан икки ой ўтмасданоқ фирма раҳбарлари ўз ходимлари ишида ижобий силжишлар юзга келганини пайқашди. Ярим йилдан кейин эса, компаниянинг даромади 17 фоиз ошди.

Таниқли француз рефлексологи Перри Дю Прес, оёқнинг тагига таъсир қилган энгил босим мия фаолиятини яхшилайди, оёқ кийимлари эса, шундай омилга тўсқинлик қилади, дейди. Америкалик рухшунос Льюс Ристер ҳам оёқяланг ҳар бир ходимнинг ижодкорлик имкониятлари анча ошишини эътироф этган.

НОЁБ КАСБ ЭГАЛАРИ



Дунёда ўта ноёб касб эгалари ҳам бор. Техас штатида яшовчи Уэйн Маккали шундайлардан бири. Бу одам ўргимчакларни, хусусан, уларнинг энг даҳшатли «Қора бева» деган турини «соғиш» билан шуғулланади. Агар у чақса, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Уэйн бир сеанс давомида ҳар бир ўргимчакдан юз футгача ниҳоятда ингичка тола соғиб олади. Бу ҳом ашёдан оптик мўлжаллагичларда нурларни бир-бири билан кесиштирувчи иплар сифатида фойдаланилади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

ЎЗБЕК ФИЛЬМИГА БОШ СОВРИН

Истеъдодли ўзбек кинорежиссёри Нозим Аббосовнинг "Феллини" бадийи фильми Австриянинг Инсбрух шаҳрида ўтган халқаро кинофестивалда Гран-при, яъни бош соврин билан тақдирланди. Нозим Аббосов бир неча бадийи ва ҳужжатли фильмлар яратган.

Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ шаҳрида суратга олинган мазкур фильм 2000 йилда Нью-Йоркнинг бир қатор кинотеатрларида намойиш этилган, Варшава

халқаро фестивалида соврин билан тақдирланган. Худди ўша йили Бухоро миллий фильмлар фестивалида "Феллини" фильми "Энг яхши режиссёрлик", "Энг

яхши бастакорлик", "Энг яхши рассомлик", "Энг яхши аёл роли учун", "Энг яхши эркак роли учун" йўналишлари бўйича совринларга сазовор бўлган. Ўтган йили бу фильм Хиндистоннинг Калькутта шаҳрида "Янги мустақил кино" шиори остида ўтказилган халқаро фестивалда киносанъатимизнинг жиддий ютуғи сифатида эътироф этилди.

Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

Bolalik bog'i

VATAN

*Vatanimning quyoshi,
Ox tanimga yoqadi.
Muloyim keksa-yoshi,
Doim kulib boqadi.*

*Bo'ldim Uzoq Sharqida,
Amerika, G'arbida,
Lekin Vatan bittadir,
O'zbeklarning qalbida.*

Abdusamad YUNUSOV.



Бу борада вилоятимизда ҳам унинг шаҳар, туман ва қишлоқларида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Илгари хабар қилганимиздек, Янгийўл шаҳрида фольклор-этнографик жамоаларнинг вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтганлиги фикримизга далил бўла олади.

Бу нуфузли тадбирда Оҳангарон туманидаги Санам қишлоғидан «Наврўз» фольклор дастаси ҳам иштирок этди. Хатто унинг чиқишлари эътиборли ҳайъат аъзолари томонидан муносиб тақдирланди ҳам.

Кўпдан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган жамоанинг вилоят миқёсидаги танловда фахрли учинчи ўринга муносиб топилди, ҳали бу даста катнашчиларининг қўлидан кўп ишлар келишидан дарак берарди.

...Ушанда 1990 йил эди чоғи. Қиш бекорчилик эмасми, Санам қишлоғилик кўни-кўшни аёллар йиғилишиб, гап-гаштак қиладиган бўлишди. Албатта, бундай йиғилишлар ўйин-кулги, кўшиқ, хиргойисиз ўтмайди. Ана шундай гаштаклардан бирида Буйиша оладан: «халқимиз анъаналари мисолида урф-одатларимиз, маросимларимизни, халқ кўшиқларини саҳна кўринишларида ифодаласак, қандай бўларкин», деган ҳўяли фикр қилди.

У ёнидаги доирани қўлига олиб, хиргойи бошлади:

*Оғажасовдан чиққанда,
тўрттов эдик,
Ангренинг қамшини
ўртаб эдик.
Овулда тўй бор деб эшитиб,
иксов-иксов мингашиб
ўртаб эдик.*



АЯЖОНЛАР ҲОМИЙ ИЗЛАШМОҚДА

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда маънавиятга, маърифатга, миллий қадриятларимизга, маданий юксалишимизга катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, халқ орасидан етишиб чиқаётган истеъдодларга, қолаверса, фольклор дасталарига эътибор ҳали-ҳозир сусайганича йўқ.

Унга Орзигул опа қўшилди:
*Анов тоғдинг бошида
кўйиб жотир,
Тўрт оғдин боғрига
жўйиб жотир.
Мен айтаман, билмайсан
хой, алдошов,
Унгарининг бир чети
кўйиб жотир...*

Шу-шу бўлдию ҳар ким топган лапарлари, халқ кўшиқларини олиб кела бошлади. «Оҳангарон кўшиғи», «Термалар», «Ер-ёр», «Имламалим» сингари бир-бирдан сара, бир-бирдан мукамал кўшиқ ва лапарлар пайдо бўлди.

Кели туйиш, пахта саваш, бешик тўйи, келин салом сингари маросимлар қайта-қайта машқ қилиниб, обдон пишилди. Буйиша Алматова, Орзигул Рустамова, Турсуной Мирғозиева, Рокия Машокирова, Робия Умарова, Мукаррам Имомова, Ифтинисо Норғозиева, Саломат ва Гулчехра Жоникулова, Улманой ва Башорат Тўйчиевалар «Наврўз» дастасининг асосини ташкил қилишди.

Ҳарқалай, ўтган ўн йил мобайнида бу фольклор дастасининг шўхратиға шўхрат, обрўсига обрў қўшилгани рост. Туман

да бўладиган хилма-хил тадбирлар «Наврўз» дастасининг чиқишларисиз ўтмайдиган бўлиб қолди.

Аmmo... «Наврўз» дастаси вилоят миқёсида ўтадиган тадбирларга тақлиф қилинганида, даста аъзолари бесаранжом бўлиб, типирчилаб қолишди. Чунки фольклор жамоаси аъзоларини қўллаб-қувватлаш учун маблағ етишмайди. Ҳомий ёки мутасадди ташкилот хусусида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Минг кўшчига бир бошчи деганларидек, «Наврўз» дастасига бошчилик қиладиган, унга йўл-йўриқ кўрсата оладиган мутахассиснинг йўқлиги дард устига чипқон бўлмоқда. Даста аъзоларининг айтишларига кўра, кийим-кечак, бутафорлар йўқ ҳисоби. Шунингдек, мусиқа асбобларини чалишни ўргатадиган мутахассисга муҳтожлик масаласи яқин орада ҳал бўладиганга ўхшайди. Шундай бўлганда, яна ҳам «Наврўз» фольклор дастаси аъзоларининг сабру бардошига балли, деб юборгинг келад.

Қиссадан ҳисса шуки, бугунги кунда «Наврўз» фольклор-этнографик дастаси санамлари бир меҳрибон ҳомийга, ҳимматли, қўли очик раҳбарга муҳтож. Уларнинг ижодига, униб-ўсишига ёрдам бера оладиган кишилар Оҳангарон туманида топилиб қолса ажаб эмас.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
махсус мухбири.

"Дунё рассомлар нигоҳида"

Бадий академиянинг марказий кўргазмалар залида "Дунё рассомлар нигоҳида" мавзудаги кўргазма очилди.

Унда юртимиз мусаввирларининг уч юздан зиёд асари намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, юртимиз истиқлолга эришгач, мамлакатимиз дарвозалари жаҳонга кенг очилди. Барча соҳалар сингари миллий санъатимизнинг тасвирий, амалий турлари ва миниатюраларининг нодир дурдоналарини бутун дунёда тарғиб-ташвиқ этиш учун зарур имкониятлар яратилди.

Кўргазмадан Р. Аҳмедовнинг "Италия буйлаб", У. Арслоновнинг "Миср", Б. Назаровнинг "Ганг қизлари", Н. Пакнинг "Тоғ манзараси", В. Енининг "Самодан назар" каби картиналари ўрин олган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Бекажон

«БИР ЗУМДА» ПИРОГИ

Идишга 1 стакан шакар, 1 ош қошиқ сариеғ ёки маргарин, 2 дона тухум солиб оқаргунча аралаштирилади. Кейин бир стакан сметана ва ярим чой қошиқ истеъмом содаси ҳамда 1 ош қошиқ мурabbo қиёми, майдаланган ёнғоқ мағизи ва 1 стакан ун солиб хамир қилинади. Сўнгра ёғ суртилган қолипга нон талқони сеппиб, хамирни солиб, қиздирилган духовкада 35 дақиқа давомида пиширилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА,
қандолатчи.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги «FORMOD-AVTOTEKHNIZMAT» шўба корхонаси ўз фаолиятини **ТЎХТАДИ.**

Давволар Бектемир тумани, Биллур кўчаси, 54-уйда қабул қилинади.

Тошкент халқ ҳўжалиги институти томонидан 1991 йилда Шўқуров Ўткирбой Уктамович номига берилган ФВ № 958363 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Sport

Баҳслар қизғин кечмоқда

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро ўсмирлар спорт ўйинлари қизғин давом этмоқда. Юртимиз спорт делегацияси таркибидан жой олган шахматчиларимиз анча яхши натижаларга эришмоқда.

Самарқандлик 14 ёшли шахматчи Жўрабек Ҳамроқулов навбатдаги учрашувда озарбайжонлик Рауф Мамедов устидан ишончли галабани қўлга киритди. Яна бир истеъдодли шахматчимиз Юлдуз Ҳамроқулова киргизистонлик Жанил Тилебоевани маглубиятга учратди. Сарвиноз Эргашева эса киргизистонлик Александра Самаганова билан дуранг ўйнади. Антон Филипповнинг Грузия спортчиси Леван Панцулаяга имкониятни бой бериб қўйди.

Эстафетада эса қизлар жамоаси

4-ўринни эгаллади. Ўғил болалар ўртасида уч хатлаб сакрашда Тарас Моисенко ҳамда Артём Лобачев 4-5-ўринлар билан кифояланди. Диск улоқтиришда Василина Казярская кўчли олтиликдан жой олди.

Теннис бўйича ўтказилган учрашувларда Гофур Эшматов ва Фаррух Дўстовнинг омади чопмади. Лекин уларда жуфтлик баҳсларининг финал қисмида ўзларини кўрсатиш имконияти бор.

(ЎЗА).



Sport

Мусобақалар полвонларни чорлайди

Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) матбуот хизматида ЎЗА мухбирига хабар қилишларича, 1-4 июль кунлари Эрон пойтахти Техрон шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд I халқаро турнири ўтказилади.

Бу йирик мусобақада йигирмадан ортик давлатдан келган полвонлар бел олишади.

Шунингдек, 1 июль куни Жанубий Африка Республикасининг Порт-Элизабет шаҳрида II Африка чемпионати бўлиб ўтади. Унда эркаклар 73, 81, 90 килограмм ва мутлак вазн тоифасида қитъа чемпионлиги учун кураш-

са, аёллар 52, 60 килограмм оғирликда куч синаяди. Бу мусобақаларда ўзини кўрсатган полвонлар 30 август-1 сентябрь кунлари Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бўлиб ўтадиган IV жаҳон чемпионатида ўз юрти спорти шарафини ҳимоя қилади.

Зоҳир ТОШХўЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ташкилот ва бошқаруви

Мухосис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифалонди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.